

**Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Мударрислар ва талабалар
фаолиятининг молиялаштирилиши мавзусида**

Садинов Маъруфжон Нормумин ўғли

СамДЧТИ Нарпай хорижий тиллар факултети ўқитивчиси

Аннотатсия: Мадрасаларнинг асосий даромади вақф мулкларидан бўлганлиги учун яхши ҳосил олинмаган йиллари қийналган талабалар ва мударрислар муаммосини ҳал қилиш мақсадида мадрасаларни давлат ҳисобига киритган ва уларга давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Марказларда нафақат бойлар, балки камбағалларнинг болалари ҳам ўқиш ҳуқуқига эга бўлган ва нафақа, кийим- бош билан таъминланган.

Калит сузлар: Вақф, жўйбор, муфтий, манба, даромад.

Funding the Activities of Mudarrises and Students during the Shaybanid Dynasty

Sadinov Ma'rufjon Normuminovich

Samarkand State Institute of Foreign Languages, Narpay Faculty of Foreign Languages

Annotation: Since the main income of madrasas came from waqf properties, in years of poor harvest, students and mudarrises (teachers) faced difficulties. To address this issue, madrasas were incorporated into the state budget, with funds allocated from the state treasury. In these centers, not only the children of the wealthy but also those from poorer families had the right to education and were provided with stipends, clothing, and other necessities.

Keywords: Waqf, Juybar, Mufti, Source, Income.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида мадрасаларда талабаларга 2 турдаги илмлар: диний ва дунёвий билимлар ўқитилган. “XVI асрларда Бухоро мадрасаларида таълим олган жуда кўп зиёлилар Бухоро хонлигида ўзига хос илмий-маънавий муҳитни вужудга келтирди.

Натижада ўз даврининг тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, шоир ва адиблари, машҳур табиб ҳамда олимлари етишиб чиқди”¹

Хужраларда икки нафардан талаба яшаган, узрли сабабсиз ўз ўрнини муттасил икки ой тарк этган киши мадрасадан ҳайдалган.”²

Талабанинг турар жойи билан дарсхона бошқа- бошқа жойда бўлган ҳолларда талабалар 2-3 чақиримлик йўлни босиб ўтишларига тўғри келган. Талаба ўқиш вақтидан бошқа ҳар бир дарс учун 2-3 соат вақт сарфлашга мажбур бўларди. Одатда, мадрасанинг мударрислари, айниқса, ном чиқарган домлалар бир кунда ўртача 8 дан 12 гача дарс беришни ўз зиммаларига олардилар.”³

“Ўша даврларда маҳаллий муаллимлар таълим- тарбия ишларига кенг жалб этилган. Зайниддин Восифий Тошкент вилоятида ўзбек шахзодаси Наврўз Аҳмад ҳузурида муаллимлик қилган. Бу пайтда болалар 6 ёшдан мактабга қабул қилинган. Уларга алифбодан сабоқ берилиб, ёзув- чизувлар ўргатилад эди. Сўнгра болалар мактаблардан мадрасаларга қабул қилинар эди. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида мадрасаларда талабаларга 2 турдаги илмлар: диний ва дунёвий билимлар ўқитилган. “XVI асрларда Бухоро мадрасаларида таълим олган жуда кўп зиёлилар Бухоро хонлигида ўзига хос илмий-маънавий муҳитни вужудга келтирди. Натижада ўз даврининг тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, шоир ва адиблари, машҳур табиб ҳамда олимлари етишиб чиқди”⁴ “Мадраса фаолиятида иштирок этувчи шахслар

¹Бекчанов И. ҳасанхожа Нисорий Музакири аҳбоб тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти.- Т.: диссертатсия,1993.-Б. 54.

². Жуманазар А .Бухоро таълим тизими тарихи.- Т.: Академнашр,2017.- Б.273.

³Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими.- Т.: Адиб.-2014. Б.64.

⁴Бекчанов И. ҳасанхожа Нисорий Музакири аҳбоб тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти.- Т.: диссертатсия,1993.-Б. 54.

белгиланган тартибда ойлик маош билан таъминланган. Маош кўп ҳолларда “тилла”, “танга” пул бирликлари билан ифодаланган.

Жўйбори калон Бухородаги энг довруқли мадрасаларидан бири эди. Унда сўнгги пайтларда 16 нафар мударрис дарс ўтган. Расмий ҳужжатларнинг бирида уларнинг рўйхати қуйидагича кўрсатилган: “Мулло Султон, мулла Худойкули, мулла Иброҳим, мулла Саид Аҳмад, мулла МирФузайл, мулла Сулаймонхожа, мулла Яҳёхожа, мулла Мансурбий, мулла Махдихожа, мулла Насриддин, мулла Қавомиддин, мулла Абдукарим, мулла Абдувоҳид, мулла Иброҳим қўлобий, мулла Солиҳхожа ва мулла Аълохожа.

Ҳар бир мударриснинг йиллик маоши тахминан 40 тиллани ташкил этган. Лекин баъзи ҳужжатларда мударрис 45 тилла ҳақ олган. Бундай икки хил маълумот учрашининг сабаби, баъзи пайтлар Жўйбори калонда 13 нафар мударрис дарс ўтган экан. Демак, 3 нафар мударриснинг ҳаққи қолганларга бўлиб берилган. Тадқиқотларда мадрасалар мулки ва таълим тизими таъминоти тўғрисида маълумотлар бор, аммо кўп эмас. Олий ҳокимият девони ва қози идорасида ўқув ишлари билан боғлиқ ҳужжатлар йиллар давомида тўплаб борилган. Иш чоғида уларнинг айрим қисми топилди. Улар бизда Бухоро шаҳри таълим тизими таъминоти ҳақида тасаввир ҳосил қилди. Ҳужжатлардаги ахборотлар анча олдин тўпланган. Бу ораликда пулнинг қиймати ўзгариб бораверган. Шу сабабдан турли тадқиқотлардаги маълумотларда фарқ бўлиши, табиий.

Мактабда ўқувчиларнинг ота- оналарида ва вақф мулкларидан тушадиган маблағ ҳисобига фаолият юритган.”⁵

“Мадрасаларнинг асосий даромади вақф мулкларидан бўлганлиги учун яхши ҳосил олинмаган йиллари қийналган талабалар ва мударрислар муаммосини ҳал қилиш мақсадида мадрасаларни давлат ҳисобига киритган ва уларга давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Марказларда нафақат бойлар, балки

⁵Қандахоров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти.- Т.: Тафаккур қаноти,- 2008.б .92.

камбағалларнинг болалари ҳам ўқиш ҳуқуқига эга бўлган ва нафақа, кийим- бош билан таъминланган”.⁶

“Жўйбор хожалари ўз дор-уш- шифоларида (шифохона) ишлаш учун машҳур ва энг яхши ҳакимларни ёллаб, уларга вазифа, мавқеъ ва хизматларига мувофиқ турли миқдорда ҳақ-маош тўлаганлар ёки инъом- эҳсонлар қилиш йўли билан уларни ишлатиб, дор-уш-шифо ва дорихоналардан келадиган даромадлар билан ўз бойликларини орттирганлар”⁷

Тарихий асарларда келтирилишича, мадрасаларда таълим олаётган талабаларнинг барчаси маълумот даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинган ва ана шу гуруҳларга қараб степендия ва моддий таъминот ҳам оширилган. Шунингдек, тадқиқотларда мадрасада хизмат қилиш ва белгиланган кунларда машғулотларга қатнашиш мажбурий бўлиб, хизматчилар ва ўқувчиларнинг келиб-кетишини махсус кишилар ҳисобга олиб борган. Барча хизматчилар ва мадрасада таълим олувчиларнинг таъминоти пул ва маҳсулот (натурал) шаклида бўлиб, юқори гуруҳда ўқувчиларнинг ҳар қайсисига бир ойда 45 мис диноҳ ва ҳар йили 25 диноҳ ва йилига 30 манн ғалла берилган”⁸

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, XVI асрда таълим муассасаларининг таъминот тизими ўрта асрларда қарор топган анъаналар асосида ривожланган. Бу соҳага деярли ўзгартиришлар киритилмаган. Мударрислар ва талабалар аввалгидек вақф мулкларидан тушадиган маблағлар ва давлат таъминоти орқали молиялаштирилган. Ҳар йили минглаб талабаларнинг илм истаб Бухорога келишларини ҳисобга олсак, моддий таъминот масаласи энг катта муаммолардан эканлигига гувоҳ бўламиз. Негаки, талаба таъминот сиз ўз- ўзидан илмли бўлиб қолмайди, мударрис эса ўз кучи ва вақтини сарфлаб талабалаарга сабоқ бермайди.

⁶Асророва Л. қ. Бухоро мадрасалари тарихидан.- Т.: ҳилол- нашр,2017. Б.10-11.

⁷Бекчанов И. ҳасанхожа Нисорий Музаққир аҳбоб тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти.- Т.: диссертатсия,1993.-Б. 38.

⁸Қандаҳоров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти.- Т.: Тафаккур қаноти,- 2008.

Чунки манфаат бўлмаса, ҳеч ким ўз ишини сидқидилдан бажармайди. Ҳаёт қонунияти шундай, албатта.

Вақф мулклари ҳисобидан таъминланадиган мадрасалар таъминоти об-хавонинг қандай келиши, деҳқончилик ва ҳосилнинг қай даражада олиншига боғлиқ бўлган.

Агар сув мўл бўлиб, ҳосил яхши олинса, мадрасалар ҳам яхши таъминланган. Агар бунинг тескараси бўлса, мударрис ва талабалар қийин вазиятда қолишган. Бундай шароитда давлат таъминотининг ёрдамга келишини манбалар орқали кўриб ўтдик. Чунки бу масала қандай йўл билан бўлса- да, вақтида ҳал қилиниши керак бўлган муаммо бўлган.

Мадрасалардана фақат диний билимлар, балки дунёвий фанлар ҳам ўқитилишини, айрим мактаблар алоҳида ихтисосга эга эканлигини билиб олдик. Бу даврда асосан тиббиёт соҳасига қизиқиш кучайиб бораётган эди. Ибн Сино бобомиз қарашлари ва асарлари таъсирида тиб илмига оид салмоқли рисоалар яратилади ва ўз даврининг машҳур “Ибн Сино издошлари” камол топадилар. Бу ўринда Жўйбор хожаларининг тадбиркорлиги ҳақида тўхталиб ўтсак. Уларга йиллар мобайнида ота-боболаридан улкан ҳажмда ер- мулк ва мерос қолган эдилар. Бу маблағлар уларнинг етти авлодлари учун ҳам етарди, албатта. Лекин хожалар ўз бойликларини янада кўпайтириш йўллларини изладилар ва топдилар: ўша даврлардаёқ дорихоналар бунёд этиб, машҳур табибларни жалб қилиб, уларни маош билан таъминлаб, янада катта сармояларга эга бўлдилар. Саломатлик ҳамма замонларда кишилар учун бебаҳо бойлик эканлигини ҳисобга олсак, бемор бўлган кишилар ўз соғлиқларини тиклаш учун маблағларини аямайдилар. Хожалар буни яхши ҳис қилган эдилар. Натижада уларнинг бойликлари янада кўпайган.

Бу давр таълим тизимида ўрнатилган қоидалардан бири-уларнинг 3 гуруҳга бўлингани ва баҳоларига қараб степендия олишлари эди. Бу анъана бизнинг давримизгача етиб келган. Олий таълимда таҳсил олувчи талабаларга имтиҳон

натижаларига қараб, яъни 3, 4, 5 баҳоларига қараб степендия тўланиши айнан шу жараёнга ўхшаб кетади.

Бухоро хонлигида талабаларнинг юқори (аъло), ўрта ва куйи гуруҳларга мансублик учун бир-бирлари билан мусобақалашиб ўқишлари айнан мана шу моддий таъминотнинг ҳар хил тақсимланиши билан боғлиқ ҳодиса. Талабалар яхшироқ степендия олиш учун аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қилганлар.

Бухоро хонлигида таълим муассасаларининг таълим тизимидаги муҳим муаммоси, бу, албатта, моддий таъминот масаласи бўлган.” Тизимни ташкил қилиш ва бошқариш қанчалик муҳим масала бўлса, унинг молиявий томонини йўлга қўйиш аҳамияти ундан кам бўлмаган мураккаб ижтимоий жараён эди. Ўқув

даргоҳларида юзлаб олимлар дарс ўтган ва минглаб талабалар таълим олган. Уларнинг барчаси илм таҳлилга машғул бўлиши билан бирга кун кечиришлари ҳам керак эди. Ҳеч замонда қорни нонга тўймаган оч-яланғоч, муҳтож кишининг илмга рағбати бўлганми? Ҳар йили минглаб талабалар Бухоро ўқув даргоҳларини тугатган ва уларнинг ўрнига янгилари келган. Узоқ замонлардан бери тўхтовсиз давом этиб келаётган бу жараёнда илм аҳлининг моддий таъминоти муаммоси қандай ҳал этилган? Қаршимизда иккита асосий қатламдан иборат ижтимоий-иқтисодий тизим намоён бўлди. Улар ҳам ўзига хос ички қонуният ва қурилишдан ташкил топган эди. Биз уларни шартли равишда “вақф мулклари” ва “давлат таъминоти” деб атадик.”⁹

Тадқиқотларда мадрасалар мулки ва таълим тизими таъминоти туғрисида маълумотлар бор, аммо куп эмас. Олий ҳокимият девони ва кози идорасида уқув ишлари билан боғлиқ ҳужжатлар йиллар давомида туплаб борилган. Иш чоғида уларнинг айрим қисми топилди. Улар бизда Бухоро шаҳри таълим тизими таъминоти ҳақида тасаввур ҳосил қилди. Холбуки, топилган ҳужжатлар денгиздан томчи эди. Уларнинг катта қисми шуролар инқилоб давридаги қонли курашлар, вайронагарчиликлар оқибатида йуқ бўлиб кетган. Етиб келган кичик қисми ҳам қидирганимизни топишимизга етарлича кумак берди. қуйида мударрислар ва

⁹Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи.- Т.: Академнашр, 2017.- Б.75.

талабаларнинг тарихий расмий хужжатлардан териб олинган маоши миқдори руйхатини келтирамиз.

Кукалдош мадрасаси. Охунд дарс утган, тарихий хужжатларнинг бирортасида унинг ишга тайнланиши маошига оид маълумот учрамади. Тизим тартибига кура, у ҳаммадан кўпроқ ҳақ олиши керак. Фақат Н. Хаников ушбу мадраса мударрисси 360 тилла олиши тугрисида ахборот беради.

Говкушон мадрасаси. Аълам маошини аниқлашнинг ҳам иложи бўлмади.

Мир Араб мадрасаси. Маоши 11000 танга.

Хожа Нихол мадрасаси. Маоши 5200 танга.

Хожа Давлат мадрасаси. Маоши 5000 танга.

Мавлоно Мискин мадрасаси. Маоши 4000 танга.

Мулла Муҳаммад Шариф мадрасаси. Маоши 2800 танга.

Девонбеги мадрасаси. Маоши 2600 танга.

Абдуллахон ғарбий мадрасаси. Маоши 180 тилла.

Нақиб мадрасаси. Маоши 2400 танга. ,бошқа хужжатда 100 тилла.

Мулла Эрназар мадрасаси. Маоши 1300 танга.

Абдуллахон шарқий мадрасаси. Маоши 100 тилла. Бу биринчи қаватдаги дарсхонада ўқув машғулотларини олиб боровчи ўқитувчининг йиллик даромади эди. У муфтий бўлган иккинчи қаватдаги дарсхонада талабаларни ўқитган мударриснинг йиллик иш ҳақи 70 тилла. У муфти эмасди.

Пояндабий оталиқ мадрасаси маоши 90-100 тилла атрофида.

Муҳаммад Али хожи мадрасаси. Маоши 85 дан 90 тиллагача.¹⁰

Талабалар маоши

Турсунхужа садр гурхонаси хужралари. Жой ҳақи 10 тилла.

Олий чубин мадрасаси. Жой ҳақи 10 тилла. Бошқа хужжатда хужра ҳақи 7 тилла. 6 тилла ёзилгани ҳам бор.

Неъматбой гурхонаси хужралари. Жой ҳақи 6 тилла.

¹⁰ Жуманазар А . Бухоро таълим тизими тарихи.- Т.: Академнашр,2017.- Б.94-95.

Абдуллахонинг шарқий мадрасаси. Кунига 0,5 танга.

Мулла Абдурахим мадрасаси. Жой хақи 3 тилла.

Пояндабий мадрасаси. Йилига 24 тангадан ҳақ берилган.

Мирзо Солих гурхонаси хужралари. Хужранинг бир тарафи хақи икки тилла.¹¹

“Мадрасаларда ўқиш муддати чекланмаган, мадрасаларни тамомлаш кўп ҳолларда талабаларнинг иқтидори, меҳнатсеварлиги ва қобилиятига боғлиқ бўлган. Мадрасаларни битирган талаба форс ва араб тилларни билиши, мантиқ, бошланғич геометрия ва 4 амал арифметик ҳаракатларни ҳамда шариат асосларини билиши шарт эди. Талабаларга грамматика, фикҳ, тафсир, ҳадис, калом каби махсус фанлар ўқитилган. Мадрасалардаги таълим кечгача давом этган ва ҳафтанинг шанба, якшанба, чоршанба ва сешанба кунлари ўтказилган. Дарс кунлари мударрис мадрасада истиқомат қилган. Ўрнатилган қоидага кўра талаба мадрасада таҳсил олиш, унинг хужрасида яшаш, молиявий таъминот олиш учун ички тартибга риоя этиши талаб қилинган. Узрсиз сабаб туфайли мадрасани маълум муддатга тарк этиш тақиқланган, қоидани бузган талаба ўқиш ва яшаш жойи (хужра) дан маҳрум этилган.”¹²

Тарихий асарларда келтирилишича, мадрасаларда таълим олаётган талабаларнинг барчаси маълумот даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинган ва ана шу гуруҳларга қараб степендия ва моддий таъминот ҳам оширилган. Шунингдек, тадқиқотларда мадрасада хизмат қилиш ва белгиланган кунларда машғулотларга қатнашиш мажбурий бўлиб, хизматчилар ва ўқувчиларнинг келиб-кетишини махсус кишилар ҳисобга олиб борган. Барча хизматчилар ва мадрасада таълим олувчиларнинг таъминоти пул ва маҳсулот (натурал) шаклида бўлиб, юқори

¹¹ Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи.- Т.: Академнашр, 2017.- Б.102-103.

¹² Қандахоров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти.- Т.: Тафаккур қаноти,- 2008.

гуруҳда ўқувчиларнинг ҳар қайсисига бир ойда 45 мис динар ва ҳар йили 25 динар ва йилига 30 манн ғалла берилган”¹³

“У жойда (Абдуллахон мадрасасида) ўқувчилар ҳам яхши маош билан таъминланиб, ҳамиша хотиржамлик билан мутолаа қилишга киришардилар.”¹⁴

Машҳур тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ушбу маълумоти ҳам Абдуллахон II ининг илм- фан жонкуяри ва аҳли илм ҳомийси бўлганлигини исботлайди. У барча мадрасалар ва бошқа таълим муассасаларида талабаларнинг билим олишлари учун етарлича шарт- шароит яратиб берган. Мударрис ва талабаларнинг моддий таъминотини ҳам назардан четда қолдирмаган. Уларнинг яшаши ва ўқиши учун энг муҳим бўлган ушбу “зарурат”ни ҳам ҳал қилган. Яъни маънавий ҳаётнинг моддий ҳаёт билан ҳамоҳангликда эканлигини яхши англаган.Чунки моддий еҳтиёжлари қондирилмаган инсон китоб ўқишга, илм олишга майл билдирадими? Абдуллахон II ана шу саволнинг жавобини ўрта асрлардаёқ тўла англаб етган маърифатли ҳукмдорлардан эди.

Манбалар:

- 1.1 Абу Тоҳирхожа. Самария / Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 12-81.
- 2.1 Гулбадан бегим. Хумоюннома / Форс тилидан С.Азимжонова таржимаси. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1959. – 112 б.
- 3.1. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бактриядаги Бухоро шахригача 1558 йилги саёҳат. / Рус тилидан таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Б.Аминов ва А.Замонов. Т.: Баёз, 2017. – 72 б.

¹³Қандахоров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти.- Т.: Тафаккур қаноти,- 2008.

¹⁴Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом.- Т.: Шарк,2000.- Б.280.

- 3.2. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форс тилидан Н.Норкулов таржимаси. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б.
- 3.3. Мавлоно Муҳаммад Қози. Ҳукмдорларга ўғитлар // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: тарих фанлари доктори А.Ўринбоев, таржимон Ғ.Каримий. – Т.: Шарқ, 1999. – Б 32.
- 3.4. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Тарихи Рашидий / Введ. пер. с перс. А.Урунбоева. Примеч. и указ. Р.П.Джалиловой, П.М.Епифановой. – Т. Фан, 1996. – 644 б.
- 3.5. Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н.Йўлдошев. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. – 344 б.
- 3.6. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1989. – 336 б.
- 3.7. Муҳамадиёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-Билод / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 430 б.
- 3.8. Садри Зиё. Наводири Зиёия / тожик тилидан таржима, кириш, изоҳлар муаллифи Б.Аминов. – Т.: Баёз, 2017. – Б. 184.
- 3.9. Саид Ҳомид Тўра Камёб. Таворих ул-хавонин / Нашрга тайёрловчилар: Н. Норкулов ва бошқалар. – Т: Академия, 2002. – 116 б.
- 3.10. Фазлаллах ибн Рузбихан. Михмон-нома-йи Бухоро (Записки бухарского гостя) / Перевод с персидского, предисловие и примечание Р.П.Джалиловой. – М., 1979. – с. 196.
- 3.11. Хасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Т.: Халқ мероси, 1989. – 344 б.
- 3.12. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-Мулук / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1997. – 272 б.
- 3.13. Шарофиддин Роқимий. Тарихи том. – Т.: Маънавият, 1998. – 132 б.

3.14. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. (Шарафномаи шоҳӣ) / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 1-китоб. – Т.: Шарқ, 1999. – 416 б.

3.15. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. (Шарафномаи шоҳӣ) / Форс тилидан С.Мирзаев ва Ю.Ҳакимжонов таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – 288 б.

II. Илмий адабиётлар:

4.1. Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари. XVI-XIX асрнинг ўрталари. Т.: Адабиёт учкунлари, 2017. – 226 б.

4.2. Асророва Л.Қ. Бухоро мадрасалари тарихидан. Т.: Ҳилол-нашр, 2017. – 224 б.

4.3. Аҳмедов Б.А. Ўзбек улуси. – Т.: Нур, 1992. – 130 б.

4.4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.

4.5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т.: Ўқитувчи, 2001. – 352 б.

4.6. Баракаев Ж., Ҳайдаров И. Бухоро тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 144 б.

4.7. Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ, 2014. – 744 б.

4.8. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 94 б.

4.9. Замонов А.Т. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (шайбонийлар сулоласи даври). Т.: Баёз, 2018. – 208 б.

4.10. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.–368 б.

4.11. Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). – Т.: Шарқ, 2003. – 219 б.

4.12. Мавлонов Ў. Қадимги йўллар ва хизмат кўрсатиш тизими // Трансоксиана – Мавераннаҳр. – Т.: SAN'AT, 2007. – Б. 128-135.

4.13. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. –Т.: Akademiya, 2004. – 132 б.

- 4.14. Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Вып. 1. – Сталинабад: АН ТаджССР, 1954. – С. 542.
- 4.15. Мирзаев Б. Убайдуллохон – Шайбонийлар давлатининг хукмдори. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2016. – Б. 32.
- 4.16. Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2008. – 86 б.
- 4.17. Пулатов Ю., Мирхаликов А. К истории огнестрельного оружия в Средней Азии (из оружейных коллекций Музея) // Материалы по истории Узбекистана. – Т., 1963 – С. 100-107.
- 4.18. Равшанов П. Шахрисабз тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 548 б.
- 4.19. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Т.: Tafakkur. 2016. – 460 б.
- 4.20. Ражабов Қ. Убайдуллахоннинг икки жанги // Вазият. 2005 йил. 16-30 ноябрь.
- 4.21. Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000. – 272 б.
- 4.22. Сагдуллаев А., Аминов Б., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – 67 б.
- 4.23. Сатимов Ғ. Бобурийлар давлатидаги ҳарбий тузуклар // Жамият ва бошқарув. – 1997. – № 2. – Б. 16-18.